

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги  
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари  
кўрсатиш бўйича \_\_\_\_\_ - сонли Шартномасига  
5-илова

**Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини  
“Гарант банк” АЖнинг “UZCARD” ва/ёки “Нумо” пластик карталарига ўтказиш (кирим  
қилиш) йўли билан бериш  
ШАРТЛАРИ**

**1. ТУШУНЧАЛАР**

- 1.1. **Карта Сақловчи** Номига сўмдаги пластик карта очилган миждоз, ёки Мижоз томонидан ваколат берилган ва Мижоз билан Банк ўртасида тузилган тегишли шартнома асосида ушбу Картададан фойдаланувчи шахс. Бундан буён – “Карта Сақловчи”.
- 1.2. **Карта ҳисобварағи** Жисмоний ёки юридик шахсининг банк ҳисобварағи, ундаги пул маблағларини тасарруф этиш банк картасидан фойдаланган ҳолда, ҳамда банк картасидан фойдаланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Процессинг марказида Карта ҳисобварағининг ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотлар акс эттирилади.
- 1.3. **Пластик карта (Асосий ва Қўшимча Карта)** Банк томонидан эмиссия қилинган ва Карта Сақловчига Карта ҳисобварағи бўйича операцияларни бир неча марта ўтказиш, шу жумладан Карта ҳисобварағидан нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва нақд пул маблағларини олиш имкониятини беридаган “UZCARD” тўлов Картаси.
- 1.4. **Қўшимча Карта** Қўшимча Карта Сақловчининг алоҳида аризаси асосида Сақловчининг ўз номига, шунингдек Сақловчининг ишончли вакили ҳисобланган бошқа жисмоний шахс номига Карта Сақловчининг аризасига мувофиқ чиқарилиши мумкин.
- 1.5. **“UZCARD” ва/ёки “НУМО”** Банклараро тўлов тизими. Тўловларнинг худудий тақсимланган тизими бўлиб, унинг базавий элементи банк Карталари ҳисобланади. Тизим ҳуқуқий нормалар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар ва тегишли ташкилий-техник инфратузилмалар мажмуига асосланган; ушбу тизим электрон шаклдаги нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва банк Карталарини чиқарувчи банкларни ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчиларга хизмат кўрсатадиган банкларни, ҳисоб-китоб қилувчи банкни ва “МУНИС” тўлов тизимини, шунингдек процессинг ташкилотни ягона банк тизимига бирлаштиради.

- 1.6. **Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ)** Процессингни, яъни тўлов ташкилотлари аъзолари ўртасида маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва тарқатишни, шунингдек тўлов ташкилоти аъзолари томонидан амалга ошириладиган эмиссиялар ва (ёки) эквайрингга техник жиҳатдан хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ташкилот.
- 1.7. **Хизмат кўрсатиш шахобчаси (ХШ)** Карталар Сақловчиларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган дастурий—техник комплекс. ХШ жумласига савдо-сервис корхоналари, нақд пул маблағлари беридаган шахобчалар (банкоматлар, ёхуд касса терминаллари), шунингдек операцион шахобчалар киради.
- 1.8. **Транзакция** Бу - Карта Сақловчи томонидан Карта ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай операция:  
 ➤ Савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар учун тўловларни ўтказиш;  
 ➤ Банкоматлар ёки хизмат кўрсатиш Банки муассасалари орқали нақд пул маблағларини олиш.
- 1.9. **Картанинг амал қилиш муддати** “UZCARD” ва/ёки “HUMO” томонидан Картага хизмат кўрсатиш учун қабул қилинадиган даврни англатади Амал қилиш муддати ўтгандан сўнг, Картага “UZCARD” ва/ёки “HUMO” томонидан хизмат кўрсатиш тўхтайд.
- 1.10. **Картани блоклаш** Карта Сақловчининг Картасини, Карта ёрдамида қуйидаги турдаги операцияларни бажара олмайдиган ҳолатига ўтказиш:  
 • Нақд пул маблағлари бериш;  
 • Нақд пулсиз операциялар;  
 • смс-информерни улаш/узиб қўйиш
- 1.11. **Карта Сақловчининг Карта ҳисобварағини блоклаш** Карта Сақловчининг Карта ҳисобварағини қуйидаги операция турларини бажара олмайдиган ҳолатига ўтказиш:  
 • Нақд пул маблағлари бериш;  
 • Нақд пулсиз операциялар.
- 1.12. **Шартлар** Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини “Гарант банк” АЖнинг “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарига ўтказиш (кирим қилиш) йўли билан бериш Шартлари
- 1.13. **Шартнома** Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Банкнинг мажбуриятлари:**

2.1. Мижознинг ҳар бир ходими билан “Гарант банк” АЖ нинг жисмоний шахслар учун “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарини фойдаланишга тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш;

• Мижоз томонидан тақдим этилган, Мижоз раҳбариятининг имзолари қўйилган ва муҳри (муҳр мавжуд бўлса) билан тасдиқланган рўйхатлар асосида, шунингдек электрон тарзда шакллантирилган (электрон файллар Банк белгилаган шаклда тақдим этилиши керак) Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ва пластик карталарни чиқариш тўғрисидаги ёзма аризалари, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари асосида ва ҳар бир жисмоний шахс билан алоҳида тузиладиган, яъни Банк ва иш ҳақи лойиҳаси бўйича Мижоз ходимлари (Карта Сақловчилари) ўртасида тузиладиган “Гарант банк” АЖнинг жисмоний шахслар учун “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарини фойдаланишга тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида Мижоз ходимларига Карта ҳисобварағи очиш;

2.2. Мижоз ходими ёки унинг вакили (нотариал тасдиқланган ишончнома асосида) шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолда Банкка келганида Банк дастурий таъминотида Картани бериш;

2.3. Транзит ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганидан ва Мижоз томонидан тўғри тўлдирилган ведомост 2 (икки) банк куни давомида тақдим этилгандан сўнг, иш ҳақи лойиҳасида иштирок этган Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварақларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммасини, шунингдек пенсиялар, компенсациялар. ва ушбу ведомостда кўрсатилган бошқа ижтимоий тўловларни ўтказиш;

2.4. 3 (уч) иш куни ичида Карта бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига Карта Сақловчи ҳисобварағини дебетлаш;

2.5. Карта Сақловчига, шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда унинг Карта ҳисобварағидан кўчирма бериш;

2.6. Карта Сақловчи кодли сўзни маълум қилган ҳолда, Картани йўқолганлиги тўғрисида Банкка оғзаки хабар берилган пайтдан бошлаб бир банк куни ичида 3 (уч) банк кунидан кўп бўлмаган муддатга Карта Сақловчининг Картасини блокировка қилиш. Бу ҳолда Карта Сақловчи имкон қадар қисқа, лекин 3 (уч) банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Банкка белгиланган шаклдаги ёзма ариза (жумладан факсимил хабарнома) тақдим этиб, Картанинг йўқолгани ёки ўғирлангани ҳолатини ёзма равишда тасдиқлаши шарт

2.7. Карта Сақловчи Картани йўқотганлиги ёки ўғирлатганлиги тўғрисида ёзма ариза берган кундан бошлаб бир иш куни ичида, Карта Сақловчининг Картасини йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги бўйича блокировка қилиш.

2.8. Карта йўқолган (ўғирланган) ёки шикастланган тақдирда, “Гарант банк” АЖнинг банк пластик карталарини эмиссия қилиш ва пластик карталардан фойдаланган ҳолда “UZCARD” операцияларни амалга ошириш Тартиби” ва “Гарант банк” АЖ нинг сўмдаги пластик картасидан “UZCARD” да фойдаланиш бўйича Йўриқнома талабларига мувофиқ, ва Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тегишли комиссия тўлангандан сўнг, ёзма ариза асосида 3 (уч) банк куни ичида Карта Сақловчига янги Карта бериш.

#### **Мижознинг мажбуриятлари:**

2.9. Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карталарга ўтказиш орқали тўлаш ҳолатларида, Мижоз ходимларининг электрон шаклдаги рўйхатини, Банк талабларига жавоб берадиган шаклда тақдим этиш.

2.10. Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварақларига иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун Карта ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш ва очиш учун ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топшириш. Электрон шаклдаги маълумотларнинг қоғозли ташувчиларда тақдим этилган маълумотларга тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш.

2.11. Ушбу Шартнома бекор қилинганда, шунингдек ходимлар ишдан бўшатиш тақдирда, ўз ходимларига “иш ҳақи лойиҳаси” доирасида чиқарилган пластик карталарни Банкка қайтариб бериш зарур эканлиги ва ушбу Шартнома бекор қилинган кундан ёки ишдан бўшаган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ иш куни ичида Карта ҳисобварақларининг ёпилиши тўғрисида хабар

бериш.

2.12. Агар ишдан бўшатишган ходимга бириктирилган корпоратив Карта қайтариб берилмаса, Мижоз ёзма равишда Карта ҳисобварағини ва Карта Сақловчининг Картасини блокировка қилиш тўғрисида буюртма бериш.

### **3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

#### **3.1. Қуйидаги ҳолларда Банк жавобгарликка эга эмас:**

3.1.1. Мижоз ходимлари олдида, агар Мижоз иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказишни амалга оширмаган ёки ўз вақтида амалга оширмаган ҳолларда;

3.1.2. Банкнинг назоратидан ташқари вазиятлар туфайли ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаганда;

3.1.3. Хизматлар турининг, кўрсатилиши мумкин бўлган операциялар рўйхатининг, Сақловчининг Карталарига Инфратузилмада хизмат кўрсатиш муддатлари ва технологик шартларининг вақтинчалик қисқартирилиши/ёмонлашуви/ўзгариши, агар бу ҳолат қуйидагилар сабабли вужудга келган бўлса:

3.1.3.1. Банкнинг; “UZCARD” ва/ёки “HUMO” бошқа банк-иштирокчиларининг; “UZCARD” ва/ёки “HUMO” Карталарга хизмат кўрсатадиган ускуналари версияси ва нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимининг алмашиши;

3.1.3.2. Банкнинг, “UZCARD” ва/ёки “HUMO” иштирокчилар бўлган банкларнинг ва “UZCARD” ва/ёки “HUMO” Карталарга хизмат кўрсатадиган ускуналарида ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида мажбурий технологик регламент ишлари бажарилганда;

3.1.3.3. Инфратузилмада содир бўлган дастурий-техник узилишлар;

3.1.3.4. Инфратузилма электр таъминотидаги ва коммуникацияларидаги узилишлар.

3.1.4. “UZCARD” ва/ёки “HUMO” бошқа иштирокчиларининг Инфратузилмаларидаги Картага хизмат кўрсатиш шартлари учун.

3.2. Мижоз Банкка электрон шаклда тақдим этиладиган ва қоғозга чоп этилган маълумотлар (Мижоз ходимлари учун ҳисобварақлар очиш реестрлари, иш ҳақини ўтказиш (кирим қилиш) учун ведомостлар ва ҳ.к.) бир-бирига тўлиқ равишда айнан мослиги учун тўлиқ жавобгарликка эга.

3.3. Карта ҳисобварағига ўтказиш (кирим қилиш) масофадан хизмат кўрсатиш тизими (масалан, UzASBO) орқали амалга оширилган тақдирда, пул маблағларини ўтказиш (кирим қилиш) учун ведомост электрон файлга ишлов берилгандан сўнг назоратчи томонидан қоғозга чоп этиб чиқарилади.

3.4. Ушбу Шартлар ва Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши бузилган тақдирда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига биноан жавобгар бўладилар.

### **4. МАХФИЙЛИК**

4.1. Банк Карта Сақловчи ва у томонидан Карта ҳисобварақларидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишига кафолат беради.

4.2. Банк Карта Сақловчи ва у томонидан Карта ҳисобварақларидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда тақдим қилиниши мумкин.

### **5. УШБУ ШАРТЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

5.1. Ушбу Шартлар бўйича тарафлар мажбуриятлари Мижознинг Аризасида курсатилган санасидан юошлаб билан мурожаат Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси амал қиладиган давр мобайнида амалда бўлади.

5.2. Ушбу Шартлар, агар Томонлардан бири бошқа Томонга ушбу Шартнома бекор қилинганга қадар камида 1 (бир) ой аввал ёзма хабарнома берган тақдирда бекор қилинади.

5.3. Қуйидаги шартларда тегишли ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнггина Мижознинг ушбу Шартлар юзасидан Банк олдидаги мажбуриятлар бекор қилиниши ва Томонларнинг мажбуриятлари тўхтатилиши мумкин:

5.3.1. Томонлар ушбу Шартлар ёки Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда;

5.3.2. Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси бекор қилинганда;

5.3.3. Мижоз ушбу Шартлар доирасида кўрсатиладиган хизматлардан ёзма равишда воз кечганда.

5.4. Ушбу Шартларнинг бекор қилиниши Томонларни ушбу Шартномага биноан аввал ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Томонларнинг мажбуриятлари улар тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади, агар Шартнома, суд қарори, қонунчилик ёки Томонларнинг ўзаро келишувида бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса.